

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЎҒРИСИДА

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 118-модда;  
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 113-модда; 2011 й., 36-  
сон, 364-модда; 2015 й., 23-сон, 301-модда)*

### **1-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

темир йўл транспорти (темир йўл) — умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири бўлиб, у ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ўз таркибига олган, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш эҳтиёжларини таъминловчи ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборатдир;

темир йўл транспорти корхонаси — темир йўл асосий фаолиятининг тузилмавий бўлинмаси бўлиб, бевосита ташиш жараёнини таъминлайди;

темир йўл транспорти муассасаси — темир йўлнинг кадрлар тайёрлаш, темир йўл транспорти ходимларига ижтимоий-маиший ва маданий хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган тузилмавий бўлинмаси;

темир йўл транспорти ташкилоти — темир йўлнинг қўшимча ёрдамчи фаолиятни амалга оширувчи ва ташиш жараёнида бевосита иштирок этмайдиган тузилмавий бўлинмаси;

темир йўл устави — қонун ҳужжатларига мувофиқ темир йўлнинг, темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг (шу жумладан улар номидан иш кўрувчи экспедиторлик ва бошқа ташкилотларнинг) ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган норматив ҳужжат;

транспорт хизматлари бозори — юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташувчи, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи, темир йўл транспортида ташиш билан боғлиқ қўшимча ёрдамчи ишларни ҳамда бошқа иш турларини (хизматларни) бажарувчи соҳа;

ташиш жараёни — юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташишга тайёргарлик кўриш, уни амалга ошириш ва тугаллаш чоғида темир йўл транспорти корхоналари бажарадиган ташкилий ва технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ ҳаракатлар ва операциялар мажмуи;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар — темир йўлнинг поездларни қабул қилиш ва жўнатиш, юклар, багаж ва юк багажини қабул қилиш ҳамда топшириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш, маневр ишларини амалга ошириш бўйича тегишли операцияларни бажариш учун очиқ бўлган темир йўл бекатлари жойлашган тармоғи;

юк — ташиш учун темир йўл транспорти корхонаси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган, ўз вақтида элиб берилиши ва сақланиши учун темир йўл жавобгар бўлган темир йўл ташиш объекти;

йўловчи — йўл ҳужжатларига эга бўлган ва поездда сафар қилувчи фуқаро (жисмоний шахс);

багаж — йўловчи олиб кетаётган ва сафар давомида йўловчилар вағонида унинг ёнида бўладиган буюмлар, товарлар ва бошқа моддий бойликлар;

юк багажи — йўловчилар ва почта-багаж поездларида ташиладиган темир йўл ташиш объекти;

юк жўнатувчи (жўнатувчи) — ўз номидан ёхуд юк ёки юк багажи эгаси номидан иш кўрувчи ва ташиш ҳужжатларида қайд этилган юридик ёки жисмоний шахс;

юкни олувчи (олувчи) — юк ёки юк багажини олиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

хавфли юклар — муайян омиллар мавжуд бўлганда ўз хоссалари ва хусусиятларига кўра ташиш жараёнида, ортиш-тушириш ишларини бажариш ва сақлаш чоғида портлаш, ёнғин чиқишига ёки ташилаётган юклар, техника воситалари, қурилмалар, бинолар ва иншоотлар, бошқа объектларнинг шикастланишига, шунингдек одамлар ҳаёти ёки соғлиғига зиён етишига, хайвонларнинг нобуд бўлишига, атроф табиий муҳитнинг зарарланишига сабаб бўлиши эҳтимоли бор моддалар, материаллар, буюмлар, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият чиқиндилари;

ажратилган минтақа — темир йўл транспортининг тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, йўл бинолари, темир йўл алоқаси ва электр таъминоти қурилмалари, темир йўл бекатлари, бошқа бинолар, иншоотлар ва йўл қурилмалари, шунингдек ихота дарахтзорлари жойлашган ерлари;

муҳофаза зоналари — темир йўллардан, электр таъминоти ва алоқа тармоқларидан бир меъёрда фойдаланишни, темир йўл транспорти иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектларининг сақланиши, мустаҳкамлиги ва турғунлигини таъминлаш учун зарур бўлган ер участкалари, шунингдек темир йўл транспорти ерларига туташ бўлган силжувчи тупроқли ерлар.

## **2-модда. Темир йўл транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Темир йўл транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланиш чоғида темир йўл транспорти корхоналари билан юк жўнатувчилар, юкни олувчилар, йўловчилар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Темир йўл [устави](#) билан ҳам белгиланади.

Темир йўл транспортида юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташишни ташкил этиш тартиби давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан тасдиқланадиган юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш қоидалари, шунингдек бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидалари.*

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

## **3-модда. Темир йўл транспортида мулкчилик**

Ташиш жараёнининг узлуксизлигини, ҳаракат хавфсизлигини ва авария-тиклаш ишлари ўтказилишини бевосита таъминловчи темир йўл транспорти корхоналари, умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва темир йўл транспортининг бошқа мол-мулки мутлақ давлат мулкидир.

Ташиш жараёнида бевосита иштирок этмайдиган темир йўл транспорти мол-мулки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусийлаштирилиши мумкин.

 *LexUZ шарҳи*

*Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунига қаранг.*

## **4-модда. Темир йўл транспорти корхоналарини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш**

Ташиш жараёнини таъминлаш билан боғлиқ бўлган темир йўл транспорти корхоналарини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш давлат темир йўл

транспортини бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

 *LexUZ шарҳи*

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг [42—57-моддаларига қаранг.](#)*

### **5-модда. Темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг мол-мулки**

Темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг мол-мулки асосий ва айланма маблағлардан, шунингдек қиймати ўз мустақил балансида кўрсатиладиган бошқа моддий бойликлардан иборат бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг мол-мулкидан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Темир йўл транспорти корхоналарига хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мол-мулкни сотиш давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бу мол-мулкни ижарага ёки бошқа усулда эгалик қилиш учун бу мол-мулкка давлатнинг мулк ҳуқуқини ўзгартирмаган ҳолда бериш темир йўл транспорти корхоналари томонидан давлат темир йўл транспортини бошқариш органи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат мулки бўлган ҳаракатдаги состав ва контейнерларни бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини ўзгартирмаган ҳолда сотиш, айирбошлаш, ижарага бериш, вақтинча фойдаланишга бериб қўйиш, балансдан чиқариш давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан ёки унинг топшириғига биноан тегишли темир йўл транспорти корхоналари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳаракатдаги состав ва контейнерларни юридик ва жисмоний шахсларга сотиш, шунингдек темир йўл транспорти корхоналарининг бу мол-мулкни сотишдан олинган маблағларни ҳаракатдаги состав, контейнерлар олиш ва ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш учун сарфлаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

### **6-модда. Темир йўл транспорти ерлари**

Темир йўл транспорти ерлари жумласига давлат томонидан темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига темир йўл транспорти иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектларидан фойдаланиш, уларни сақлаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, такомиллашлари ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

Темир йўл транспорти фаолиятини таъминлаш учун ерлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилди.

 *LexUZ шарҳи*

*Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг [69—70-моддаларига](#) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги 54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [қарорига қаранг.](#)*

Темир йўл транспорти ерларидан ажратилган минтақа доирасида фойдаланиш тартиби давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

### **7-модда. Темир йўл транспортининг муҳофаза зоналари**

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ер кўчиши, ер чўкиши, сув оқизиб кетиши, сел олиши ва бошқа хавфли таъсирларга учраши мумкин бўлган ерларда

жойлашган темир йўллардан ҳамда темир йўл транспортининг бошқа объектларидан бир меъёрга фойдаланиш мақсадида муҳофаза зоналари белгиланади.

Муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби, уларнинг ўлчамлари, бу мақсад учун ажратилган ерлардан фойдаланиш режими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **8-модда. Темир йўл қатновларининг турлари ва махсус ташишлар**

Темир йўл қатновлари қуйидаги турларга бўлинади:

ички қатновлар — юklar, йўловчилар, багаж ва юк багажини Ўзбекистон Республикаси доирасида ташиш;

халқаро қатновлар — юklar, йўловчилар, багаж ва юк багажини Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида ташиш;

тўғри аралаш қатновлар — юklarни ягона транспорт хужжати бўйича транспортнинг ҳар хил турларида ташиш. Тўғри аралаш қатновлар ҳам ички, ҳам халқаро бўлиши мумкин.

Алоҳида муҳим давлат эҳтиёжларини, шу жумладан мудофаа эҳтиёжларини қондириш учун юklarнинг махсус турлари ташилишини таъминловчи ташишлар махсус ташишлар жумласига киради.

#### **9-модда. Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўллари**

Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўллари жумласига хўжалик юритувчи субъектларнинг мулки бўлган ва умумий фойдаланишдаги темир йўллар билан туташадиган темир йўллар киради.

Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларининг ишлаш шарт-шароитлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларининг мулкдорлари ва темир йўл транспорти корхоналари ўртасидаги муносабатлар шартнома билан белгиланади.

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 октябрдаги 232-сонли [қарори](#) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Темир йўл уставининг VI боби.*

#### **10-модда. Темир йўл транспортини бошқариш**

Темир йўл транспортини бошқариш марказлаштирилган тартибда амалга оширилади ва давлат темир йўл транспортини бошқариш органининг ваколатлари жумласига киради.

Давлат темир йўл транспортини бошқариш органи:

темир йўлда ташишларни ташкил этиш ва бажариш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

темир йўл транспортининг фаолияти масалалари ва ташишларнинг шартлари бўйича норматив ҳужжатларни қабул қилади;

транспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашади;

темир йўл транспортини, шу жумладан идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларини ривожлантириш ва улардан фойдаланишни назорат қилади;

темир йўлда ташишлар соҳасида тариф сиёсатини олиб боради;

темир йўл транспорти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

 *LexUZ шарҳи*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 мартдаги 101-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавтемирйўл назорат» инспекцияси) тўғрисида»ги [Низомга](#) қаранг.*

Темир йўл транспортининг ташиш жараёни билан боғлиқ фаолиятига аралашшига ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Давлат темир йўл транспортини бошқариш органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун мажбурийдир.

### **11-модда. Юкларни ташиш**

Темир йўл транспорти корхоналари, агар жўнатувчи юкларни ташишга нисбатан кўйиладиган талабларга риоя қилса ва ташишга темир йўл томонидан олди олинishi ёки бартараф этилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар тўсқинлик қилмаса, юкни тайинланган жойига белгиланган муддатларда ташиб бериши шарт.

Юк жўнатувчилар ва темир йўл транспорти корхоналари юкларни мунтазам ташишларни амалга ошириш чоғида ташиш ва транспорт экспедициясини ташкил этиш тўғрисида узоқ муддатли шартномалар тузишлари мумкин.

Темир йўл транспортида юкларни ташиш юк жўнатувчиларнинг буюртманомаларига мувофиқ амалга оширилади. Юкларни ташиш учун буюртманомаларнинг шакллари, буюртмаларни бериш, бажариш ва ҳисобга олиш тартиби, шунингдек темир йўл транспортида ташиладиган юклар рўйхати давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан белгиланади. Юклар жўнатувчи томонидан ҳаракат хавфсизлиги ва юкларнинг сақланиши таъминладиган қилиб ташишга тайёрланиши керак.

### **12-модда. Йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш**

Темир йўл транспорти корхоналари йўловчилар, багаж, юк багажи ўз вақтида манзилига етказилишини, вокзалларда ва поездларда йўловчиларнинг хавфсизлигини, уларга хизмат кўрсатиш учун зарур қулайликлар ва шароитлар яратилишини, багаж ва юк багажининг сақланишини таъминлаши шарт.

Йўловчилар поездларнинг жўнаш ва келиш вақти, йўл ҳақи, багаж, юк багажи ташиш ҳақи, вокзалхоналарда жойлашган темир йўл чиптаси кассалари, сақлаш камераларининг иш вақти, йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида вақтида ишончли ахборот билан, шунингдек темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг иши тўғрисидаги бошқа зарур ахборот билан таъминланишлари керак.

Темир йўл транспортида йўл чипталарини сотиш тартиби Темир йўл [устави](#) ҳамда Йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш [қоидалари](#) билан белгиланади.

Темир йўл транспортида йўл чипталари йўловчиларга тўлиқ қийматида сотилади, қонун ҳужжатларида имтиёзли юриши белгиланган фуқаролар бундан мустасно. Имтиёзли юришни компенсация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

 *LexUZ шарҳи*

*МДХ давлатлари раҳбарларининг 1993 йил 12 мартдаги «Ногиронлар ва Улуғ Ватан Уруши қатнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахсларнинг имтиёзли юриш ҳуқуқларини ўзаро тан олиш тўғрисида»ги Битимга ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 22 декабрь ПФ-517-сонли «Ўзбекистон Республикаси ўқувчилари ва талабаларининг ҳар йилги қишки таътили тўғрисида»ги [Фармонига](#) қаранг.*

Йўловчи поездда ўзи билан бирга беш ёшгача бўлган бир болани алоҳида жой берилмаган ҳолда бепул олиб юриш ҳуқуқига эга. Йўловчи билан бирга беш ёшгача бўлган биттадан ортиқ бола кетаётган бўлса, улардан бири бепул олиб юрилади, қолганлари эса чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизи чегирилган, алоҳида жой берилган ҳолда олиб юрилади. Беш ёшдан ўн ёшгача бўлган болаларга ҳам чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизи чегирилган ҳолда алоҳида жой берилади. Темир йўл транспортида болаларни ташиш бўйича бу имтиёзлар темир йўл транспорти корхоналарининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

Йўловчиларнинг ҳамда темир йўл транспорти ходимларининг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ваколатли органлар вокзалга киришда белгиланган тартибда қўл юқини, багажни кўздан кечириши ҳамда йўловчилар ва бошқа шахсларни шахсий кўздан кечиришдан ўтказиши. Кўздан кечиришдан бош тортилган тақдирда, вокзалга кириш тақиқланади, йўловчилар эса ташишга қўйилмайди. Кўздан кечиришни ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли органларнинг рўйхати ва кўздан кечиришни ўтказиш [тартиби](#), шунингдек йўловчилар ва бошқа шахсларнинг вокзалларда бўлиши [қоидалари](#) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

*(12-модданинг олтинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ-293-сонли [Қонун](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2011 й., 36-сон, 364-модда)*

 *LexUZ шарҳи*

*Батафсил маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиши [қоидалари](#).*

### **13-модда. Юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини темир йўл орқали ташиш тарифлари**

Темир йўл транспортида юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш тарифлари юк жўнатувчиларнинг ҳамда йўловчиларнинг манфаатлари инобатга олинган ҳолда давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайин этиладиган тартибда белгиланади.

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиши қоидаларининг [VIII](#) («Тарифлар ва йиғимлар») ва [IX](#) боблари («Багаж ва юк багаж тарифлари»).*

Халқаро қатновда ташиш тарифлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланади.

Юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш билан боғлиқ қўшимча ишлар ва хизматлар учун шартнома асосида ҳақ тўланади.

### **14-модда. Темир йўл транспортининг молиявий ва хўжалик фаолияти**

Темир йўл транспорти фаолиятини молиялаш ўз хўжалик фаолияти даромадлари ҳисобидан ва имтиёзли ташишларга доир харажатларни қоплаш қисми бўйича давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Темир йўл транспортидаги ташишнинг барча турларидан олинган даромадларни тақсимлаш тартиби давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан ҳар бир темир йўл транспорти корхонасининг ташиш жараёнидаги аниқ улушини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Темир йўллари, сафарбарлик мақсадларига мўлжалланган объектларни, шу жумладан саноат корхоналари, электрлаштириш ва алоқа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек темир йўл ҳаракатдаги составини ва махсус мақсадларга мўлжалланган йирик механизмларни олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Темир йўл шохобча йўллари, тўхташ манзиллари, юк саройлари ва бошқа объектларни қуриш манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг ташаббусига кўра ҳамда уларнинг маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Темир йўл тармоқлари, вокзаллар, пиёдалар ўтадиган кўприклар ва тоннеллар, йўловчилар платформалари ва темир йўл транспортининг аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шаҳар атрофига қатнаш учун ҳаракатдаги составни олиш темир йўл маблағлари ҳисобидан амалга оширилади,

шунингдек маҳаллий бюджет, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Темир йўл транспортини ривожлантириш вазифаларини ҳал қилиш учун давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан марказлаштирилган суғурта ва захира жамғармалари ташкил этилиши мумкин.

Юклар ва юк багажини жўнатувчилар ва олувчиларнинг ташиш, юк операциялари, транспорт-экспедиторлик хизматлари ва ҳаракатдаги составдан фойдаланганлик учун темир йўл транспорти корхоналари билан ҳисоб-китоблари, шунингдек шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ва темир йўлга етказилган зарар учун жарималар ва пенялар тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 октябрдаги 232-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Темир йўл [уставининг IX боби](#).*

Темир йўл транспорти корхоналари уларга ташиш учун берилган юкларни тегишли ташиш ҳақининг ва ташишга доир бошқа тўловларни таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

 *LexUZ шарҳи*

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг [290-291-моддаларига қаранг.](#)*

Шаҳар атрофидаги йўловчилар ташишни молиялаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ёхуд манфаатдор юридик ёки жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

### **15-модда. Темир йўл транспорти корхоналарининг темир йўл транспорти объектларининг мулкдорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатлари**

Темир йўл транспорти корхоналарининг умумий фойдаланишдаги темир йўлларга ва темир йўл транспортининг бошқа объектларига чиқадиган темир йўл шохобча йўллари мулкдорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатлари, шунингдек темир йўл шохобча йўлларида фойдаланиш ва уларга қарашли ҳаракатдаги составни умумий фойдаланишдаги темир йўлларда ишлатиш тартиби ва шартлари ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек шартномалар билан белгиланади.

Темир йўл транспорти объектларининг мулкдорлари бўлган, умумий фойдаланишдаги темир йўлларга чиқувчи янги темир йўл тармоқларини барпо этувчи, шунингдек ҳаракатдаги составни лойиҳалаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар мазкур тармоқлар ва ҳаракатдаги составни давлат темир йўл транспортини бошқариш органи билан келишилган ҳолда лойиҳалаштирадилар ва қурадилар.

### **16-модда. Темир йўл транспорти ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари**

Темир йўл транспорти ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Иши бевосита поездлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган темир йўл транспорти айрим тоифадаги ходимларининг иш вақти режими, дам олиш ва бошқа меҳнат шaroитлари режими хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайин этиладиган тартибда белгиланади.

Темир йўл транспорти корхоналари поездлар ҳаракати билан боғлиқ ҳамда меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриклардан ўтказишни ташкил этади. Шундай вазифалар ва ишлар рўйхати, шунингдек тиббий кўрикларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

 LexUZ шарҳи

Қаранг: «Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги [низом](#) (рўйхат рақами 2387, 29.08.2012 й.).

### **17-модда. Темир йўл транспорти ходимлари ишининг сайёр хусусияти билан боғлиқ кафолатлар, компенсациялар ва уларга бериладиган имтиёзлар**

Меҳнати сайёр хусусиятли бўлган темир йўл транспорти ходимларига бериладиган кафолатлар ва компенсациялар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

 LexUZ шарҳи

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг [171-моддасига](#) қаранг.

Темир йўл транспорти ҳарбийлаштирилган кўриқчи бўлинмалари ходимлари хизмат вазибаларини бажаришда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя кафолатларига эга.

Темир йўл транспорти ходимлари жамоа шартномалари ёки тармоқ жамоа келишуви билан белгиланадиган тартибда ва шартларда темир йўл транспортида ҳар йилги бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллиги оқибатида бошқа ишга ўтказилган ёхуд меҳнатда майиб бўлиш, касб касаллиги ёки ходимнинг айби бўлмаган сабабга кўра соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши муносабати билан ногиронлик пенсиясига чиққан темир йўл транспорти ходимлари учун темир йўл транспортида ҳар йилги бепул юриш ҳуқуқи ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа имтиёзлар сақланиб қолади.

 LexUZ шарҳи

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги [Қонунига](#) ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг [187—197-моддаларига](#) қаранг.

Ушбу модданинг [учинчи](#) ва [тўртинчи](#) қисмларида белгиланган имтиёзлар темир йўл транспорти корхоналарининг маблағлари ҳисобидан таъминланади.

### **18-модда. Темир йўл транспортида интизом**

Темир йўл транспорти ходимларининг интизоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Темир йўл транспорти ходимларининг интизоми тўғрисидаги [низом](#) билан тартибга солинади.

Темир йўл транспорти корхоналарида жамоа меҳнат низоларини ҳал қилиш воситаси сифатида ишни тўхтатишга йўл қўйилмайди.

### **19-модда. Темир йўл транспортида ҳисоблаш-ҳисобот вақти**

Ташишларда бевосита қатнашувчи темир йўл транспорти корхоналарида ташиш жараёнини марказлаштирилган ҳолда узлуксиз бошқаришни таъминлаш мақсадида, уларнинг жойлашган манзилдан қатъи назар, мамлакатда амал қилувчи ягона ҳисоблаш-ҳисобот вақти — Тошкент вақти белгиланади.

### **20-модда. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, темир йўл транспорти ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш**

Темир йўл транспорти корхоналари йўловчилар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз қатнов, юклар, багаж ва юк багажи ташиш шарт-шароитларини, поездлар ва темир йўл транспорти бошқа воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини, шу жумладан маневр ишлари чоғидаги, ташиш жараёни билан боғлиқ транспорт ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш чоғидаги хавфсизликни, шунингдек темир йўл транспорти ходимларининг меҳнати ва атроф табиий муҳит муҳофаза қилинишини таъминлайдилар.

Темир йўл транспортида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш устидан назорат қилувчи махсус таркибий бўлинма, шунингдек темир йўлда авариялар оқибатларини тугатувчи авария-тиклаш бўлинмалари фаолият кўрсатади. Ана шу бўлинмалар тўғрисидаги [низом](#), шунингдек ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини



таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан белгиланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

### **20<sup>1</sup>-модда. Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар**

Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар ички ишлар, Миллий хавфсизлик хизмати органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

*(20<sup>1</sup>-модда Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ-293-сонли [Қонуни](#) билан киритилган — ЎР ҚХТ, 2011 й., 36-сон, 364-модда)*

### **21-модда. Темир йўл транспортда ҳаракат хавфсизлигига доир асосий талаблар**

Темир йўл бекатлари, вокзаллар ва темир йўлнинг ташиш жараёни билан боғлиқ бошқа бўлинмалари ҳудудлари, поездлар ҳаракати амалга ошириладиган ҳамда манёвр ва юк ортиш, юк тушириш ишлари бажариладиган йўловчилар платформалари ва темир йўл тармоқлари ўта хавфли зоналар ҳисобланади ва зарурат бўлганда атрофи ўраб қўйилади. Ўта хавфли зоналарда фуқароларнинг бўлиши ва объектларнинг жойлаштирилиши, бундай зоналарда ишлар бажариш, темир йўллар орқали юриш ва уларни кесиб ўтиш қоидалари давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан белгиланади.

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Ҳаракатдаги состав, шу жумладан ҳаракатдаги махсус состав ва контейнерлар, темир йўлларнинг ер устки қурилмалари қисмлари ҳамда темир йўл транспортига етказиб бериладиган бошқа техника воситалари ва механизмлар, шунингдек йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланган ҳаракат хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва экология хавфсизлиги талабларига мос келиши лозим.

*(21-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-31-сонли [Қонуни](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2006 й., 14-сон, 113-модда)*

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Темир йўл транспорти фаолиятида фойдаланиладиган техника воситалари ва механизмларни, шунингдек кўрсатиладиган хизматларни сертификатлаштириш [қонун ҳужжатларида](#) белгиланган тартибда амалга оширилади.

*(21-модда Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 апрелдаги ЎРҚ-31-сонли [Қонунига](#) мувофиқ учинчи қисм билан тўлдирилган — ЎР ҚХТ, 2006 й., 14-сон, 113-модда)*

Ҳудудида хавфли юкларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ортиш, ташиш ва тушириш ишлари амалга ошириладиган объектлар умумий фойдаланишдаги темир йўллардан ва иншоотлардан уларнинг хавфсиз ишлашини таъминлайдиган масофада узоқлаштирилган бўлиши керак. Умумий фойдаланишдаги йўлларнинг қувурлар, алоқа, электр узатиш тармоқлари ва бошқа иншоотлар билан кесишган жойларида мазкур объектлардан умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва иншоотларгача бўлган энг кам масофа, шунингдек темир йўллар билан кесишиш ва яқинлашиш жойларида бундай объектларни куриш ва сақлаш нормалари тегишли давлат бошқарув органларининг давлат темир йўл транспортини бошқариш органи билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган норматив ҳужжатларида белгиланади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўлларни кесиб ўтувчи ёки бевосита уларнинг яқинида жойлашган газ, нефть қувурлари ва бошқа иншоотларни куриш ҳамда улардан фойдаланиш чоғида белгиланган нормативларни таъминлаш, шунингдек мазкур иншоотлардан фойдаланиш хавфсизлиги учун уларнинг эгалари жавобгар бўлади. Мазкур иншоотларнинг эгалари ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи авария ҳолатлари юзага келганлиги ҳақида темир йўл транспорти корхонасини ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

Темир йўл орқали ташилаётган хавфли ва махсус юкларнинг эгалари, бундай юкларни жўнатувчилар ва олувчилар уларнинг ташилиши, ортилиши ва туширилиши хавфсизлигини кафолатлашлари, бу юкларни ташиш чоғида авария ҳолатлари юзага келган тақдирда авария ҳолатларини ва авария оқибатларини тугатиш учун зарур воситалар ва ҳаракатчан бўлинмаларга эга бўлишлари лозим.

Темир йўл транспорти корхоналари хавфли ва махсус юкларни ташиш хавфсизлигини таъминлаши ҳамда бу юкларни ташиш чоғида авария ҳолатлари юзага келган тақдирда уларнинг оқибатларини тугатишда қатнашиши шарт.

Темир йўлларнинг автомобиль йўллари билан кесишган жойлари (темир йўл кесишуви жойлари) темир йўлдан техник фойдаланиш қоидалари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидалари билан белгиланади.

Темир йўл кесишуви жойларидан фойдаланиш, уларни очиш ва ёпиш тартиби давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан тегишли давлат бошқарув органлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Темир йўл транспорти ва ташиш жараёни билан боғлиқ бошқа техника воситаларининг ҳаракат хавфсизлиги ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

 *LexUZ шарҳи*

*Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг [113, 142-моддаларига](#) ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг [260, 262, 266-моддаларига](#) қаранг.*

## **22-модда. Темир йўл транспортида юклар ва объектларни кўриқлаш**

Йўл давомида ва темир йўл бекатларида юкларни кўриқлаш, темир йўл транспорти объектларини кўриқлаш, шунингдек темир йўл транспортида ёнғиннинг олдини олишга қаратилган ишларни ўтказиш, ёнғинга қарши назорат ва ёнғинларни баргараф этиш темир йўл транспорти ҳарбийлаштирилган кўриқчи бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Темир йўл транспортининг ҳарбийлаштирилган кўриқчилиги тўғрисидаги низом ҳамда кўриқланиши ва кузатиб борилиши зарур бўлган юклар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Бу юкларни кўриқлаш ва кузатиб бориш тартиби давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан белгиланади.

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 августдаги 177-сонли «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акционерлик темир йўл компаниясининг ҳарбийлаштирилган кўриқчилиги тўғрисидаги низомни ва кўриқланадиган ҳамда кузатиб борилиши зарур бўлган юклар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги [қарори](#).*

Кузатиб бориш талаб этиладиган юкларни темир йўл транспорти ҳарбийлаштирилган кўриқчи гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси доирасида кузатиб борадилар. Ўзбекистон Республикаси чегараларини кесиб ўтиш чоғида кузатиб бориладиган юкларни топшириш тартиби ва жойи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланади.

Темир йўл транспортининг энг муҳим объектлари ва махсус юкларни кўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бўлинмалари ва давлат бошқарув органларининг бошқа ваколатли бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Бундай объектлар ва юклар рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Юкларнинг айрим турларини, шу жумладан қимматбаҳо, тез бузиладиган ва бошқа юкларни кўриқлаш ва кузатиб бориш бутун йўл давомида жўнатувчи ёки олувчининг кузатувчилари томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундай юкларни

қўриқлаш ва кузатиб бориш тартиби юк жўнатувчилар (юкни олувчилар) томонидан давлат темир йўл транспортини бошқариш органи билан келишилган ҳолда белгиланади.

Зарурат бўлганда давлат темир йўл транспортини бошқариш органи юк жўнатувчилардан (юкни олувчилардан) авария ҳолатлари ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг юзага келиши хавфини, шунингдек уларнинг юкларини ташиш чоғидаги эҳтимол тутилган зарарларни камайтирадиган қўшимча чоралар қўришни талаб қилишга ҳақлидир.

### **23-модда. Фавқулодда ҳолатларда темир йўл транспортининг ишлаши**

Темир йўл транспорти корхоналари темир йўл транспорти ишининг бузилишига сабаб бўлган ҳалокатлар, авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини (шамол ҳосил қилган тупроқ-қум босишлари, тошқинлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда ҳолатларни) бартараф этиш учун шошилиш чора-тадбирлар кўради. Бундай чора-тадбирларни амалга ошириш учун улар рўйхати давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан белгиланадиган моддий ва техника воситалари захирасига эга бўлишлари зарур.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари одамлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф табиий муҳитга, ҳаракат хавфсизлиги ва юкларнинг сақланишига таҳдид солувчи ҳалокатлар, авариялар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини тугатишда темир йўл транспорти корхоналарига ёрдам кўрсатадилар.

Агар енгиб бўлмас куч таъсирида, ҳарбий ҳаракатлар, қамал, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар натижасида юк, багаж ва юк багажини бундан буён ташиш учун темир йўл транспорти корхоналарини ушбу юк, багаж ва юк багажини белгиланган манзилга етказиш ёки тегишли олувчига топшириш имкониятидан маҳрум этадиган тўсиқлар вужудга келган бўлса, худди шунингдек ушбу сабабларга кўра юк, багаж ва юк багажини сақлашнинг энг охириги муддатлари ўтиб кетса, мазкур корхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юк, багаж ва юк багажини жўнатувчилар ёки олувчиларнинг топшириғига биноан, шунингдек мазкур топшириқ белгиланган муддатда олинмаган тақдирда эса юк, багаж ва юк багажини топширишга (реализация қилишга) ёки бунинг имкони бўлмаган тақдирда жўнатувчининг ўзига қайтариб юборишга ҳақлидир. Бундан топширилган (реализация қилинган) юк, багаж ва юк багажи учун темир йўл транспорти корхонаси томонидан олинган сумма ушбу корхонага тегишли бўлган суммалар чегириб қолинган ҳолда, қиймат ҳақи тўланган тақдирда ташиш ҳужжатларида кўрсатилган олувчининг ҳисобига, бошқа барча ҳолларда эса жўнатувчининг ҳисобига ўтказилади.

Ҳужжатлари бўлмаган юк, багаж ва юк багажини реализация қилганлик учун темир йўл транспорти корхонаси томонидан олинган сумма давлат темир йўл транспортини бошқариш органининг фойдасига ўтказилади ва ундан белгиланган манзилига етиб келмаган юк, багаж ва юк багажи учун темир йўл транспорти корхонаси томонидан тўланган маблағларни қоплаш учун фойдаланилади.

Олувчи (жўнатувчи) ушбу суммани талаб қилиб олмаган тақдирда, маблағлар даъво муддатлари ўтганидан сўнг давлат бюджет ҳисобига ўтказилиши керак.

### **24-модда. Темир йўл транспортда сафарбарлик тайёргарлиги ва фуқаролар муҳофазаси**

Темир йўл транспортда сафарбарлик тайёргарлиги ва фуқаролар муҳофазасига раҳбарлик давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан амалга оширилади.

Темир йўл транспортда сафарбарлик тайёргарлиги ва фуқаролар муҳофазаси бўйича тадбирларни молиялаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

*[Олдинги таҳрирга қаранг.](#)*

### **25-модда. Ихтиёрий ва мажбурий суғурта**

Темир йўл транспортининг иши сайёр хусусиятга эга бўлган ходимлари, шунингдек ўз лавозим вазифаларини ҳаёт учун хавfli шароитларда бажарувчи ходимлар ва ҳарбийлаштирилган кўриқлаш бўлинмаларининг ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш даврида мажбурий шахсий суғурта қилиниши керак.

Темир йўл транспорти ходимларининг айрим тоифаларини мажбурий шахсий суғурта қилиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Темир йўл транспортида йўловчиларни ихтиёрий шахсий суғурта қилиш, шунингдек юклар, багаж ва юк багажини ихтиёрий суғурта қилиш мумкин.

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш ташувчи томонидан амалга оширилади.

 *LexUZ шарҳи*

*Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг [52-боби](#) («Суғурта») ва Ўзбекистон Республикасининг «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги [Қонуни](#).*

*(5-модда Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 июндаги ЎРҚ-388-сонли [Қонуни](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2015 й., 23-сон, 301-модда)*

## **26-модда. Темир йўл транспорти корхоналарининг жавобгарлиги**

*Олдинги таҳрирга қаранг.*

Темир йўл транспорти корхоналари йўл ҳақини ҳамда юк, багаж ва юк багажининг ташиш ҳақини тўлаган ва йўл ҳужжатларини тўғри расмийлаштирган йўловчи ва юк жўнатувчига, агар ушбу [Қонунда](#) ёки бошқа қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ташишни рад этишга ҳақли эмас.

*(26-модданинг биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ-293-сонли [Қонуни](#) таҳририда — ЎР ҚХТ, 2011 й., 36-сон, 364-модда)*

Ташиш жараёнини амалга оширувчи темир йўл транспорти корхоналари йўловчи ёки темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланувчи бошқа шахсининг, худди шунингдек темир йўл транспорти фаолияти натижасида жабрланган шахсининг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари юкларни ташиш чоғида юкларни ташиш учун олинган буюртманомаларни бажармаганлик, вагонларни шохобча йўлларида келтириб бермаганлик ва уларни шохобча йўллардан олиб кетишни кечиктирганлик, юкларни жўнатувчилар ва олувчиларга тегишли бўлган ёки улар томонидан ижарага олинган вагонлар ва контейнерларни ўзбошимчалик билан эгаллаганлик, бу вагонлар ва контейнерларга шикаст етказганлик ёки уларни йўқотганлик учун Темир йўл уставида белгиланган миқдорларда жарималар тўлаш тарзида жавобгар бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари юкларни ташишда юкни етказиб бериш муддатларини бузганлик учун мулкий жавобгарлик билан бир қаторда ташилаётган юкнинг сақланишини таъминламаганлик учун ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда мулкий жавобгар бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари атроф табиий муҳитга етказилган зарар учун ҳамда темир йўл транспорти ерларини лозим даражада сақламаганлик ва улардан фойдаланмаганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

 *LexUZ шарҳи*

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг [324—339](#), [718—721](#), [725-моддалари](#) [57-бобига](#) қаранг.*

## **27-модда. Юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар, йўловчилар, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг темир йўл транспорти корхоналари олдидаги жавобгарлиги**

Юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар қуйидагилар учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда жарималар тўлаш тарзида жавобгар бўладилар:

ташишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун;

юкларни тақдим этмаганлик учун, юк ташишга берилган вагонлар, контейнерлардан фойдаланмаганлик ёки буюртманомада кўрсатилган вагонлар, контейнерларни рад этганлик учун;

темир йўлга қарашли вагонлар ва контейнерлардан рухсатсиз фойдаланганлик учун;

вагонлар ва контейнерларни юкни ортиш, тушириш ёки қайта юклаш пайтида белгиланган технология нормаларидан ортиқча кечиктирганлик (бекор ушлаб турганлик) учун, шунингдек уларни юкни ортиш, тушириш, қайта юклаш учун етказиб бериш пайтида куттириб қўйиш орқали ёки жўнатувчига боғлиқ бўлган бошқа сабабларга кўра кечиктирганлик (бекор ушлаб турганлик) учун;

маҳсулотларни экспортга етказиб бериш бўйича божхона, чегара органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан белгиланган талабларни вагонлар ва контейнерларнинг кечиктирилганлигига сабаб бўлган тарзда бузганлик учун;

вагонлар, контейнерларга кўтарадиган юкидан ортиқча юк ортганлик учун;

вагонлар ва контейнерларни юклари туширилганидан сўнг тозаламаганлик учун;

темир йўл томонидан берилган вагонлар ёки контейнерларга, чиқариб олинadиган ташиш мосламалари ва ўраш-жойлаш воситаларига шикаст етказганлик ёки уларни йўқотганлик учун;

ташиш тақиқланган юкни тақдим этганлик ёки ташиш чоғида ўта эҳтиёткорлик чоралари кўришни талаб этувчи юкни унинг номи ёки хоссаларини нотўғри кўрсатиб тақдим этганлик учун.

Йўловчилар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини, темир йўл транспортидаги санитария-гигиена ва санитария-эпидемияга қарши қоидаларни бузганлик, қурилмалар, транспорт воситалари ва уларнинг ички жиҳозларига шикаст етказганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

 *LexUZ шарҳи*

*Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг [108, 113, 114, 121—124, 130, 139, 142, 144—148-моддаларига](#) ва [Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 260—263-моддаларига](#) қаранг.*

Темир йўл транспортига унинг коммуникацияларини қасддан тўсиб (узиб) қўйиш ёки темир йўл транспортининг монеликсиз ва хавфсиз ишлашига халал берувчи қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлар натижасида етказилган зарар темир йўл транспорти корхоналарига айбдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

 *LexUZ шарҳи*

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг [57-бобига](#) қаранг.*

## **28-модда. Талаблар ва даъволарни кўриб чиқиш**

Юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда, юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар тегишли темир йўл транспорти корхоналарига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда талаб ва даъволар тақдим этишга ҳақлидир.

 *LexUZ шарҳи*

*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг [724-моддасига](#) қаранг.*

Темир йўл транспортида ташишлар бўйича талаблар ва даъволарни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари Темир йўл уставида белгилаб қўйилади.

 *LexUZ шарҳи*

*Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 октябрдаги 232-сонли [қарори](#) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Темир йўл уставининг IX боби.*

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
1999 йил 15 апрель,  
766-I-сон